Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
4 январь
ЧОРШАНБА

№ 1
(12.429)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

## ЁШ ПОЛВОНЛАР ТАНЛОВИ

Мактаб ва коллежларнинг ўқувчилари ўртасида ўзбек миллий кураши тобора оммалашиб бормоқда. Маҳаллаларда ёш полвонлар беллашувлари, ўзбекона яккакураш бўйича мусобақалар ташкил этиляпти. "Сиз полвонларни биласизми?" танловларида 575 ёш курашчи иштирок этди.

### ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ

## ТАДБИРКОРЛАР ҲАРАКАТДА

**"Файзиобод" маҳалласида Мустаҳкам оила йили файз-баракали бошланди. Оилавий тадбиркорлик кўламлари кенгайиб бораяпти.**

Моҳир тикувчи Жамила Шукурова "Устоз-шогирд" анъанасини давом эттириб, қизларга касбини ўргатаяпти. Раъно Бобоева эса қуён боқиб, гўшт етиштирмоқда. Терисидан бежирим кийимлар тикишяпти.

### ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

## ОИЛАВИЙ УСТАХОНА

**Муса Жалил маҳалласида Абдумўмин Давлатовлар оиласи аъзолари қўли гул усталар сифатида таниқли.**

Улар ясаган хонтахтаю сандиқлар, беланчагу бешиклар, хосхона мебеллари пишиқ-пухта, бежирим, гўзал. Шу боис харидоргир.

– Бу касб бизга ота-мерос, – дейди уста Абдумўмин. – Ўзим ҳунармандчилик билан ўттиз беш йилдан буён шуғулланаман. Кўплаб ёшларга ҳунаримни ўргатдим. Шу кунларда Ҳусан, Тўйчи, ўғлим Дилшод қаватимда, бирга ишлаяпмиз.

**Жўрабек МУРОДОВ.**



СУРАТДА: янгийўллик тадбиркор Шерзод Деҳқоновлар оиласи.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДАН МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИГА

**Мустақил Ватан солномасини энг ёрқин рангларда, зарҳал ҳарфлар билан безайдиган яна бир қутлуғ йилимиз поёнига етди. Уни биз алоҳида меҳр, ўзгача ҳаяжон билан кузатдик. Зеро, 2011 йил биз учун Буюк Истиқлолимизнинг 20 йиллиги нишонланган, тадбиркорларимиз учун имконият эшиклари кенг очилган йил сифатида қадрдон бўлиб қолди. Хусусан, вилоятимиз хотин-қизлари учун Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ўз иқтидор ва лаёқатларини синаб кўришларида муҳим аҳамиятга эга бўлди.**

Вилоятимиз аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этувчи хотин-қизлар жамият тараққиётининг беистисно ҳамма соҳасида муваффақиятли фаолият юритмоқда. Аёлларимиздаги ғайрат-шижоат, интилиш, изланувчанлик хислатлари ҳунармандлик ва тадбиркорлик сирларини пишиқ-пухта ўзлаштириб олишларида қўл келмоқда. Ҳозирги кунда 5255 нафар хотин-қизлар ўзларининг хусусий корхоналарига, фермер хўжаликларига эга. Юридик ва жисмоний шахс сифатида фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга Марказий банкнинг вилоят бошқаруви имтиёзли кредитларни ажратиш лойиҳаси бўйича 134 талабгорнинг 82 нафарига 2 миллиард 527 миллион 200 минг сўм кредит берди. Шунингдек, 1149 нафар хотин-қизларга тадбиркорликни ривожлантиришлари учун барча манбалар ҳисобидан 21 миллиард 213 миллион сўм кредит ажратилди.

(Давоми 2-бетда).

**Пойтахтда "Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

## МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Давра суҳбатида жойларда жамоа шартномаларини бажарилишида учраётган долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам муҳокама қилинди. Айниқса, республикамизда амалдаги қонун ҳужжатларига оғишмай риоя этиш, ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари ролини кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**"Туркистон-пресс".**

# ХУШ КЕЛДИНГ, ЯНГИ ЙИЛ!

**Курраи заминимизда инсоният тарихининг янги, 2012-саҳифаси очилди. Унда энг ёрқин рангларда битилган шундай сўзлар бор: "Мустақил Ўзбекистоннинг 21-қадами". Ҳар қадами асрларга татигулик оламшумул ютуқларни етаклаб келаётган навқирон диёримизда Мустаҳкам оила йилининг илк тонглари отмоқда. Барча юртдошларимиз қатори уни ёруғ юз билан кутиб олган вилоятимиз аҳли ортда қолган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилидан кўнгиллари тўлди. Зеро, фахрланса арзигулик сермаҳсул, сермазмун йилда фидокорона меҳнатларининг нурли излари бисёр.**

3047 та саноат корхоналарида 10 ой давомида 4804,3 миллиард сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Ангрен, Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл, Қибрай, Чирчиқ каби шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган 87 та йирик саноат корхоналари, 2960 та кичик бизнес субъектлари маҳсулотлари нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам харидоргир. Бунда ҳар томонлама саводхон, билимдон кадрлар мактабида етишиб чиқаётган салоҳиятли ишчи-хизматчиларимиз ғайрат-шижоатини таъкидлаш ўринли.

Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича ҳисобот даврида жами 124,5 миллиард сўмлик ҳамда 46,9 млн. АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилиши эвазига 203 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 5662 та янги иш ўринлари яратилди.

Иқтисодиётнинг ўсиши аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий соҳада эришаётган ютуқларига замин яратаётгани шубҳасиз. Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, спорт соҳаларида юз бераётган ўзгариш, ривожланиш, фаровонлик сари қўйилаётган дадил қадамлардир. Буни тобора гўзаллашиб, замонавий қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, замон билан ҳамнафас, етук, юксак салоҳиятли ёшларимизнинг ғайрат-шижоатидан ҳам кўришимиз мумкин.

Вилоятимиздан етишиб чиқаётган ўз ишининг фидойилари, меҳнат қаҳрамонлари, спорт усталари, ташаббускор тадбиркорлар, ҳунармандлар, зукко, билимдон ўғил-қизларимиз ютуқлари бардавом бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган мустаҳкам оилалар барқарорлигини таъминлашда муҳим бурилиш ясайдиган қутлуғ Янги йилимиз Юртбошимиз ташаббуси билан Мустаҳкам оила йили деб аталганлигида ҳам улуғ бир ҳикмат бор. Зеро, инсон меҳр-оқибатга йўғрилган оиласи бағрида ўсиб улғаяди, эзгу амалларга куч-қувват, маънавий рағбат олади. Вилоятимизда истиқомат қилаётган 744 мингдан ортиқ оилаларда мана шундай соғлом муҳит ҳукм сураётганига шакшубҳа йўқ. Зеро, Янги – 2012 йилда оилалар мустаҳкамлиги йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бунданда кенг қулоч ёяди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**

# МОЛ БОҚСАНГ АРЗИЙДИГАНИНИ БОҚ

## дейди Қибрай туманидаги «Чинобод Мираҳмедов Шуҳрат» фермер хўжалиги раҳбари

Бундан ўн йилча бурун Шуҳрат Мираҳмедов хусусий корхона эгаси эди. Бугун эса фермер сифатида нафақат Қибрай тумани, балки бутун вилоятга танилди.

2002 йилда шахсий бизнесини хусусий корхона эгаси мақомида бошлаган тадбиркор 6 гектарли иссиқхона барпо этди. 93 кишини муқим ишли қилди. Бирикки йиллик фаолияти давомидаёқ мустақиллик шарофати билан давлатимиз раҳбари ва ҳукумат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратиб бераётган қулай имконияту имтиёзлардан оқилона фойдалана олган қишлоқ мулкдорлари кўп нарсаларга қодир бўлишлари мумкинлигини тушуниб етди.



2007 йилга келиб, 30 гектар ер олди. Ўтган йиллар давомида орттирган даромадига таяниб, 200 бош қорамолга мўлжаллаб ферма қурди. 117 бош мол, шу жумладан 60 бош сигирни боқувга қўйди. Маҳаллий аҳолидан яна 20 кишини ишли қилди.

Чорвачилик фермаси асосан сут етиштиришга мослаштирилгани боис энди уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб сотиш пайига тушди. Кейинги, яъни 2008 йилдаёқ сутни қайта ишлаш цехини қурди. У кунига бир тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Ҳозир цех кунига сутдан тайёрланган ўн хилдан ортиқ маҳсулотни боғча, ёзги лагер ва ички бозорларга чиқармоқда.

– "Сигирнинг сути тилида" деганларича бор, – дейди Шуҳрат Мираҳмедов. – Боққанга яраша наслли мол боққан маъқул. Олган сутинг меҳнатингга арзийди. Озуқа ҳам зое кетмайди.

Фермер сўзига амал қилди. 2011 йил октябрь ойида банкдан 300 миллион сўм кредит олиб, Германиядан 64 бош қора-ола Голштейнприза зотли бўғоз ғунажинлар келтирди. Бу билан у икки мақсадни кўзлади. Аввало, етиштирилаётган сутни ва шу орқали уни қайта ишлаб тайёрланаётган маҳсулотларни кўпайтириш. Иккинчидан, маҳаллий талабгорларни ҳам наслли бузоқлар билан таъминлаб туриш.

Немисларнинг наслли сигирлари кунига ўртача 30 литр сут беради. Ҳозир уларнинг учтаси бузоқлади. Ҳаммаси туғиб, сутга киргач, сут етиштириш қарийб уч баравар, уни қайта ишлашдан ҳосил бўлган тайёр маҳсулотлар ҳам 2-3 баравар кўпаяди. Шуни ҳисобга олиб, цехни қўшимча ускуналаб, қувватини 2,5 тоннага етказди. Бу янги технологик ускуналар Исроилнинг Паклайн фирмасидан харид қилиб келтирилди.

– Туман ветеринария хизмати бизга катта ёрдам бераяпти, – дейди фермер. – Хизмат бошлиғи Муҳиддин Тўлебоев билан маслаҳатлашдик. Молларни сунъий қочиришни йўлга қўймоқчимиз. Зотдор буқа уруғларини эса, Америкадан келтирамиз. Шунда молларимизнинг насли айнимайди.

Кейинги йилларда туманда қорамолчиликни ривожлантириш, мол туёғини кўпайтириш, айниқса, уларнинг наслини яхшилашга эътибор кучайгани боис чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари анча кўпайди. Жумладан, "Азизжон", "Алишер Чорвадор", "Ҳалол Барака Нур", "Жамол" каби фермер хўжаликлари республика "Насл Хизмат" масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда шартномалар асосида Германия, Польша ва Украина давлатларидан зотдор қорамоллар харид қилиб, фақат серсут наслли моллар боқишни йўлга қўйди. Умуман, 2011 йил давомида чет эллардан туманга 359 бош наслли моллар олиб келинди.

Бугунги кунда туманда 33 минг 300 бошдан зиёд қорамол, шу жумладан 13 минг 570 бошдан кўпроқ сигир боқилмоқда. Ўтган йилнинг 1 декабри ҳолатига 8280 тонна гўшт ва 24 минг 439 тонна сут етиштирилди.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

СУРАТДА: "Чинобод Мираҳмедов Шуҳрат" фермер хўжалиги ферма мудири Шуҳрат Муҳиддинов ва туман ветеринария хизмати бошлиғи Муҳиддин Тўлебоев.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР, ХАЙРЛИ АМАЛЛАР РЎЁБИ

**Барчамизга олам-олам қувонч, шодлик улашиб, янги-янги орзуларга қанот бағишлаб қутлуғ Янги – 2012 йилимиз ҳам кириб келди. Байрамона қутловлар, совға-саломлар билан бир-бирини сийлаётган ватандошларимизга, айниқса, муҳтарам Президентимизнинг Янги йил табриги ўзгача кайфият, баланд руҳ бағишлади.**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эришган ютуқларимиз эътирофи, мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори, нуфузи ҳақидаги илиқ фикрлар, Мустаҳкам оила йили дея ном берилган қутлуғ Янги йилдаги залворли режалар, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида қилинажак улкан бунёдкорлик ишлари қалбларни тўлқинлантириб юборгани ҳам айни ҳақиқат. Босқичма-босқич ошириб борилаётган иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар эл-юрт тақдирига жавобгарлик, масъулият юки ишончли қўлларда эканлигини билдиради. Илоҳим, Юртбошимизнинг эзгу тилаклари барчамизга йўлдош бўлиб, рўёбга чиқсин!

**Тўхтанисо НОРБОЕВА,**
**пенсионер.**

2012 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.




**МУНОСАБАТ**

# МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИГА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий журналистикамиз тараққиётига, ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадимизни ҳар бир юртдошимизнинг онгида, маънавий оламида чуқур қарор топтиришда миллий матбуотимиз ҳам салмоқли вазифаларни бажариб келмоқда. Одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганида оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўз ўрни ва таъсири бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Қонун ҳужжатларининг давр руҳига ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ

# СОЛИҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИНИ БИЛАСИЗМИ?

**Ҳаракатдаги ўқув маркази солиқ соҳасига бағишланган навбатдаги машғулотни Оҳангарон туман фермерлари даврасида ўтказди.**

"Бизнес режа тузишда солиқнинг ўрни" мавзусидаги ўқув-машғулотида республика Давлат солиқ қўмитаси вакили, фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар ҳамда эндигина иш бошлаш ҳаракатида бўлган қизиқувчилар иштирок этиб, солиқ тизимига оид қонунлар, солиқ турлари, юридик шахсларнинг имкониятлари ва уларга берилган имтиёзлар билан чуқур ва атрофлича танишдилар. Шунингдек, ягона ер солиғи ва унинг ставкаси, солиқ солиш тартиби, солиқ солинадиган база, йиллик ҳисобот тайёрлаш, солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш ва имтиёзли сумма, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар ҳақида маълумотлар олдилар.

Тумандаги тажрибали фермерларнинг ўз иш тутумлари ҳақидаги ҳикоялари, фойдали мулоҳаза ва таклифлари машғулот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўқув-машғулотлари очиқ мулоқот ва тажриба алмашув тарзида ўтгани боис янада самарали бўлди.

ТАРАДДУД

**Оққўрғонликлар мавжуд техника воситаларини 2012 йил кўкламги дала ишлари мавсумига барвақт тайёрлаб қўйиш мақсадида уларни таъмирлашнинг марказлаштирилган усулини қўллашди. Тумандаги бор техникалар бир жойга – марказий машина-трактор паркига тўпланди.**



# ТЕХНИКАЛАР МАРКАЗИЙ ПАРКДА ТАЪМИРЛАНДИ

Ҳамма фермер хўжаликлари ҳам ўзларига қарашли техникаларни шу ерга келтиришди. Механизаторлар ҳам ҳар куни марказий устахонада бирга ишлашди. Олдиндан 85 миллион сўмлик керакли эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Парк раҳбарлари таъмирловчилар учун иссиқ овқат ташкил этдилар. Таъмирчилар тушликда уйларига қатнаб юрмай, вақтдан ҳам ютилди. Иш бир жойда бўлгани учун муаммолар юз бермади, майда-чуйда камчиликлар тез ҳал этиб борилди, узилишлар бўлмади.

Марказий устахонада кунига 150 таъмирловчи ёнма-ён ишлагани, эҳтиёт қисмлар олдиндан ғамлаб қўйилгани боис унум ҳам, таъмирнинг сифати ҳам кутилганидан зиёда бўлди. Бугунги кунда 75 та ҳайдов трактори, 28 та дон комбайни, 112 та сеялка дала ишлари учун 100 фоиз



тайёр. Фақат 230 та культиватор ва 900 та боронанинг сўнггилари таъмирланаяпти холос.

Туманда 2012 йил ҳосили учун 8978 гектар майдонга кузги ғалла экилди. Гектар ҳисобига 200 килограммдан аммофос берилди. Бундан ташқари, бир гектарга 5 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрланиб, дала бошларига чиқариб қўйилди. Унинг асосий қисмини ғаллага шарбат усулида оқизиш мақсадида ҳар беш гектар ерга ҳандақ қазилди. Ғалла майсаларини пайҳондан асраш учун 18 километр узунликда четан ўрнатилди.

– 2012 йилда дала ишлари мавсумида техника таъминоти масаласида ҳеч қандай муаммо бўлмайди, деб ўйлаймиз, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Отабек Исроилов. – Чунки, 2011 йил 6 та "Класс" комбайни, TL-100, TS-100 ва "Класс" русумли 21 та ҳайдов трактори, чигитни қўшқаторлаб экадиган 18 та сеялка харид қилинди.

**СУРАТЛАРДА:** Отабек Исроилов (ўнгдан иккинчи) фермер ва механизаторлар билан суҳбатда; "Қанқа" ММТП механизатори Абдуваҳоб Салимбоев.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДАН МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИГА

Албатта, бу маблағлар тўғри йўналтирилиши учун лозим бўлган чора-тадбирлар ҳам кўрилди. Жойларда хотин-қиз тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар ўтказилгани натижасида тадбиркорликни бошлаш, бизнес режа тузиш, кредитлар олиш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришни яхши ўзлаштириб олганлардан яна 14 нафари 188 миллион сўмлик кредит билан таъминланди.

Тадбиркор аёлларимизга яратилган шароит, имкониятлар зое кетмаяпти. Улар "Ташаббус", "Энг фаол тадбиркор аёл", "Йил аёли", "Ҳунарманд", "Қўли гулдир ўзбек аёлин" каби танлов ва тадбирларда фаол иштирок этиб, нуфузли ўринларга эга бўлмоқда. Шу ўринда аёлларни иш билан таъминланиш даражаси ҳам анча ортганини айтиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунгача 44 минг 182 хотин-қиз янги иш ўринларига эга бўлди. Бу ўз ўрнида аёлларимиз учун оила ва рўзғор ташвишларини ижобий ҳал этишга қўшимча имконият, албатта.

Хуллас, Янги 2012 – Мустаҳкам оила йили биз хотин-қизлар учун янада сермаҳсул бўлишини ҳис этиб турибмиз. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир кўрсатмалари, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаб, мавқеини кўтараётгани, ўз навбатида масъулиятини ҳам кучайтираётганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда Юртбошимизнинг "айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим" деган сўзлари аёлларимизга бўлган эътибор ва юксак ишончни билдиради. Шунинг учун хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида Президент қарорлари асосида олиб бораётган ишларимизни янада жонлантиришимиз лозим.

Ҳозир вилоятимизда 1177 та маҳаллада 744 мингдан ортиқ оилалар истиқомат қилади. Жамиятимиз тараққиётининг етакчи кучи, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод – фарзандларимиз тарбияси аввало, оилада шаклланар экан, уларнинг ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли хонадонларда ўсиб-улғайиши учун ҳаракат қилишимиз зарур. Юртбошимиз айтганларидек, "...мустаҳкам оила ва бахтли турмуш авваламбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ".

Ёшларимизда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзига одатланишларини кўзлаб, махсус жамоатчилик кенгашлари томонидан 451 минг 250 оилада тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ва институтларда "Никоҳ ва тиббий кўрик", "Эрта турмуш қуриш оқибатлари", "Турмуш чорраҳаларида", "Ирсий касалликлар ва ногирон болалар туғилишининг олдини олиш", "Никоҳ ва қариндош-уруғчилик", "Она-бола соғлигига экологик омилларнинг таъсири" мавзуларида давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шаҳар ва туман ФҲДЁ бўлимлари қошида фаолият кўрсатаётган "Ёш оила қурувчилар мактаб"ларига жалб этилган ҳаётий тажрибага эга мўътабар кексаларимиз, мутахассис шифокорлар, диний идоралар вакиллари суҳбатлари ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Хотин-қизларимизнинг спортга қизиқиши тобора ортиб бораётгани, ҳозирги кунда 200 мингдан зиёд аёл, ҳатто, уй бекалари турли спорт тўгаракларига қатнаётганини ҳам ғурур билан таъкидлаш лозим. Бундай саъй-ҳаракатлар Мустаҳкам оила йилини мазмунан янада бойитиши, ҳар томонлама самарали бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бунда хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" хайрия жамғармалари, "Камолот", "Соғлом авлод" ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Янги йилда барчамизга ғайрат-шижоат, қатъият, жўшқинлик, кўтаринки кайфият, бахт-омад ёр бўлсин!

**Сайёра ФАЙЗИЕВА, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ўзбекистонда Корея грантлари асосида иссиқхоналар ташкил этиш лойиҳаси амалиётга татбиқ этилади.**

# ИССИҚХОНА УЧУН ГРАНТ

Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ўртасида 2011-2013 йилларда "Ўзбекистонда пилот иссиқхоналар бунёд этиш" лойиҳасини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Корея ҳукумати томонидан 4 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилиши ҳақидаги шартнома имзоланган эди.

Ушбу лойиҳага биноан ташкил этиладиган иссиқхоналар махсус ускуналар, мосламалар ва транспорт воситалари билан таъминланади. Учта пилот иссиқхоналар жами 11 минг 500 квадрат метр экин майдонида ташкил этилади. Ўзбекистон сабзавот-мева ва картошка етиштириш илмий-текшириш институти қошида 1500 кв.м, Тошкент давлат аграр университетида 5000 кв.м ва Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 5000 кв.м ер майдони ажратилиб, шу майдонларда иссиқхоналар ташкил этилади.

**"Туркистон-пресс".**

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз қўллаб-қувватлаши натижасида шаҳар ва қишлоқларда янги спорт заллари, сузиш ҳавзалари, спорт комплекслари барпо этилмоқда, аҳоли, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, соғлом турмуш тарзи тарғиб этилмоқда.**

# СПОРТ ТАБЛОЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Спорт комплекслари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий спорт ускуналари билан жиҳозланмоқда. Энди мазкур ускуналар сирасига спорт медиа-ускуналари ҳам қўшилди. Бундай маҳсулотлар "Telemetrik" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

– Фирмамиз 1998 йилдан буён фаолият юритади ҳамда ностандарт электрон ускуналар тайёрлашга ихтисослашган, – дейди мазкур корхона директори Юрий Вьюнник. – Фаолиятимизнинг асосий йўналишларини спорт ахбороти таблоси, автотўхташ жойларининг автоматлашган тизимини ишлаб чиқариш ташкил этади.

Бугунги кунда ўрнатиладиган жойларнинг ҳажми ва спорт турига қараб тайёрланадиган ҳар хил ўлчам ва шаклдаги ёрқин таблоларга талаб катта. Айниқса, ахборот сатрли универсал таблоларга кўп буюртма тушмоқда.

2011 йилда фирма томонидан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси учун 28 универсал табло тайёрланди. Улар Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги стадионларга ўрнатилди. Ҳозирги кунда Навоий шаҳридаги "Сўғдиёна" спорт комплекси учун мўлжалланган таблони тайёрлаш ва йиғиш ишлари бажарилмоқда.

Барча таблолар ёруғлик-диодли бўлиб, бу уларнинг узоқ муддат ва энергияни тежаган ҳолда ишлашини таъминлайди.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган спорт ахбороти таблоларининг сифати хорижникидан қолишмайди, нархи эса уларга нисбатан анча арзон.

**Р. БОНДАРЧУК, ЎзА мухбири.**

МУНОСАБАТ

# МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ РИВОЖИГА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ

Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқини янада кенгроқ рўёбга чиқариш учун имкон яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда имзоланган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори миллий матбуотимиз ривожига бўлган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилингани уларнинг ихтиёрида кўплаб қўшимча маблағлар қолишига хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлар оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар бўйича божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилгани, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги ҳам уларга катта молиявий ёрдам бўлиши шубҳасиз.

Бундай имтиёзлар албатта оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш учун молиявий шароит яратиши, соҳа ходимларининг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Бу каби ғамхўрлик биз, соҳа ходимларидан юксак масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

**Шерзод ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси. (ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# МАҲАЛЛАДА ГАП КЎП

**..."Мустаҳкам оила" деган ғоянинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир".**



Ҳақиқатан ҳам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтган ушбу сўзлари мамлакатимизда фаолият юритаётган ўзини ўзи бошқариш идоралари – маҳаллаларга бўлган юксак ишонч ва эътироф ифодасидир. Ўзгаларнинг ҳавасини келтириб, қизиқишини орттираётган ноёб ижтимоий тузилма – маҳалла илмини ўрганиш истагидаги дўстларимиз ҳам кўплиги кишига ҳузур бағишлайди. Буни биз вилоятимизнинг исталган маҳалласи фаолияти мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Ғазалкент шаҳри «Истиқлол» маҳалласидаги ҳар бир хонадон ва оиланинг барқарорлиги, осойишталиги ҳавас қилса арзигулик. 4200 киши истиқомат қиладиган бу маҳаллага Ойсулув Устемирова раислик қилади.

– Инсон ҳаётда аниқ мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилса, унга етиш йўлида учрайдиган барча тўсиқларни енгиши мумкин, – дейди Ойсулув. – Шу маънода ҳар сафар йилимизга ном бериб, шу йўналишда ҳаракат қилиш ҳар жиҳатдан самаралидир. Айтишади-ку, "бемақсад қилинган иш бошга келтирар ташвиш" деб. 2012 – Мустаҳкам оила йили шу маънода фаолиятимизга ўзгача руҳ, кўтаринкилик бағишлади. Ахир инсоннинг яшашдан мақсади ҳам оила қуриш, фарзанд кўриш, уни орзу-ҳаваслар билан катта қилиш, элга қўшишдир. Бу борада маҳалла фаолларининг вазифаси, масъулияти алоҳида. Маҳалламиз аҳолисининг 1824 нафари аёллар, 950 вояга етмаган ёшлар бор. Уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат, мустақиллик неъматларига садоқат, ота-оналари, дўсту биродарларига меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар уюштириб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боряпмиз.

Тинч, осуда ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлган ёт унсурларнинг мафкуравий хуружларидан, менталитетимизга ёт бўлган маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бизнинг бурчимиз. Бунинг учун ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Маҳаллалар ёшлари ўртасида "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Отам, онам, мен ва спорт" каби мусобақалар, стол тенниси, шахмат-шашка бўйича беллашувларда фаол иштирок этишмоқда. Айниқса, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида уюштирилаётган спорт мусобақаларида уй бекаларининг фаоллиги ҳаракатларимиз зое кетмаётганини кўрсатяпти. Шунингдек, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни яхшилаш, шарт-шароитлар яратиш мақсадида "Соғлом авлод" жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилаётган тадбирлар, тиббий кўриклар аёлларга маъқул бўлмоқда. 260 хотин-қиз шундай тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур дори-дармонлар бепул тарқатилди. Маълумки, фарзандларимиз хонадонларимиз чироғи, наслимиз давомчиси. Юртбошимизнинг мамлакатимизда 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисидаги қарори ҳам ёш авлод тарбиясига қаратилаётган улкан ғамхўрлик ифодасидир. Бу борада маҳаллаларда амалга оширилаётган тадбирлар меҳр-мурувват, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик, тинчлик, осойишталикни сақлаш, ёшларни ёт ғоя ва зарарли иллатлардан асрашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, оилалар мустаҳкамлиги уларнинг тинч ва фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли маҳалламизда барқарорлик ҳукмрон. Маҳалламизда ҳунарманд аёллар анчагина. Улар уй шароитида тикувчилик, тўқувчилик каби миллий ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун қулайликлар яратиб берилган. Роҳатой Худойберганова, Каромат Эрдонова шундай моҳир ҳунармандлардан. Улар миллий каштачилик бўйича "Қўли гулдир ўзбек аёлин" каби танловларда муваффақиятли иштирок этишяпти. Улар сабоқ берадиган миллий ҳунармандчилик курсларида маҳалла қизлари бажонидил ўқиб, ҳунарли бўлишмоқда.

**Саида РАҲМОНОВА.**

**Армиянинг қудрати нафақат унинг жанговар тайёргарлиги, ҳаракатчанлиги, энг янги, замонавий қуроллар билан таъминланганига, айни пайтда офицерлар, сержантлар, оддий аскарлар таркибининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатлари, фаол ҳаётий нуқтаи назари, қатъий эътиқоди, Ватан тақдири учун масъулият ҳиссининг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Бадиий академияси мазкур юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тасвирий санъат асарларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги ходимлари, рассомлар, маданият ва санъат арбоблари, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсантлари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ўқитувчи ва талабалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қутлуғ сана – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига мамлакатимизнинг атоқли ва ёш рассомлари томонидан ишланган ўн бешта бадиий асар тақдим этилди. Уларда диёримиз табиатининг гўзал манзаралари, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати улуғланган, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз сиймолари акс эттирилган. Барча асарлар Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий музейи ва турли ҳарбий қисмлардан муносиб ўрин эгаллайди.

**Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири**

# ЙИЛНИНГ ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАСИ

**Республка Кўзи ожизлар жамияти томонидан ўтказилган "Энг намунали оила" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

Кўзи ожиз оилаларнинг турмуш тарзи билан танишиш, уларнинг билим ва иқтидорларини намойиш этишларига имконият яратиш, шу орқали оилавий муносабатларни янада мустаҳкамлаш, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини кучайтиришга қаратилган "Энг намунали оила" танловида ҳудудлардан биттадан ёш оила, тегишли равишда бошқарув раиси кузатувчиси, жами 4 нафардан киши иштирок этди.

– Тошкент вилоятининг ЎзКОЖ тасарруфидаги "Юрак ва асаб касалликлари" сиҳатгоҳида бўлиб ўтган мазкур тадбир, иштирокчиларнинг Брайль ёзуви саводхонлиги бўйича билимларини, шунингдек, оилавий шароитда, фарзандлар тарбиясида тегишли илм ва кўникмага эга эканлигини яна бир карра синовдан ўтказди, – дейди ЎзКОЖнинг ташкилий-ижтимоий бўлим бошлиғи Шавкат Ёрмуҳаммедов. – 2009 йилдан буён ташкиллаштирилиб келинаётган мусобақа 5 босқичли бўлиб, дастлаб ҳудудларда, вилоятларда ўтказилди. Танишув, уй-рўзғор, савол-жавоб ва бадиий саҳна кўриниши шартларидан аъло даражада ўтган иштирокчилар ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари ва дипломларига сазовор бўлишди.

**"Туркистон-пресс".**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади
Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 233-57-47
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

# БОКСЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

**Покистоннинг Исломобод шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари олти олтин, уч кумуш, икки бронза, жами ўн бир медаль жамғариб, спорт мухлислари учун Янги йилга муносиб совға тайёрлади.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида спорт ривожига қаратилаётган доимий эътибор самарасида ўзбек бокс мактаби салоҳиятини дунё тан олди, мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари халқаро мусобақаларда ғолибликка асосий даъвогарлар қаторида қайд этиладиган бўлди, уларнинг халқаро ютуқлари сони ва салмоғи тобора ортиб бораётир.

Покистондаги халқаро турнирда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан 130 нафардан зиёд энг моҳир чарм қўлқоп усталари ўн вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шароф Худойбердиев Лондон Олимпиадасида қатнашадиган Элшод Расулов, Орзубек Шоимов, Фазлиддин Ғоибназаров, Жасурбек Латипов ва келаси мавсумда олимпия йўлланмаси учун ўтказиладиган халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўраётган тажрибали боксчилар билан бирга, иқтидорли ёш спортчилар маҳорати ва имкониятларини ҳам синовдан ўтказди.

Жаҳон чемпионати бронза медаль совриндори Элшод Расулов суриялик Манаф Асаадни 20:10, AIBA президенти кубоги соҳиби Орзубек Шоимов ҳам сурияялик Вессам Саламани 19:15 ҳисобида мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Икки карра Ўзбекистон чемпиони Фазлиддин Ғоибназаровнинг рақиби – Айрин Исметов финал баҳсида иштирок этиш учун рингга чиқмагани туфайли олтин медаль ҳамюртимизга топширилди.

Финал баҳсларидаги энг йирик ҳисоб ўзбекистонлик Осиё чемпиони Санжар Раҳмонов ва камерунлик Серже Амбомо ўртасидаги жангда қайд этилди. Баҳсда рақибини 38:25 ҳисобида мағлуб этган Санжар ўз вазн тоифасида халқаро турнир ғолиби бўлди.

Икки вазн тоифасидаги финалда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари ўзаро куч синашди. Икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев бу йилги Осиё чемпионати ғолиби Шуҳрат Абдуллаевни 18:10 ҳисобида енгган бўлса, Хуршид Норматов ўсмирлар Олимпиадаси ва жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлган Аҳмаджон Мамажоновдан 18:11 ҳисобида устун келди. Финалда рингга чиққан яна бир иқтидорли ёш боксчимиз Рустам Тўлаганов ҳам кумуш медаль билан тақдирланди.

Терма жамоамизнинг яна икки вакили – Жасурбек Латипов ва Иззатулла Эргашев халқаро турнирнинг бронза медалига сазовор бўлди.

Энг кўп медаль жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси умумҳисобда биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

КУРАШ



# ШОҲСУПАДА АКА-УКА МАҲАМАДОВЛАР

**Чирчиқдаги 10-мактабнинг спорт залида республика белбоғли кураш федерациясининг вилоят бўлими Янги йил байрами арафасида ушбу миллий кураш бўйича очиқ чемпионат ўтказди.**

Мусобақаларда пойтахт ҳамда вилоятнинг 55 килограммдан 100 килограммгача оғирликдаги полвонлари гиламга чиқишди.

– Бундай турнирларда ёш курашчилар таниқли полвонлар билан ёнма-ён гиламларда бел олишиб, тажриба орттирадилар, – дейди чемпионат бош ҳаками Усмон Муҳаммадий. – Паркент туманида фаолият юритаётган белбоғли кураш мактаби ўзига хос анъаналари билан катта нуфузга эга. Бу ерда етишиб чиқаётган маҳоратли полвонлар республика ва халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Очиқ чемпионат қизғин курашларга бой бўлди. Беҳзод Тўлаганов (55 кг.), Жалол Шарофиддинов (60 кг.), Акмал Шерматов (66 кг.), Зайлоб Ортиқов (81 кг.) ва бошқалар рақибларига нисбатан маҳоратли эканликларини намойиш этишди. Паркентлик уч ака-ука полвон – Маҳамадовлар 100 кг. вазнда шоҳсупадаги барча совринли ўринларни банд этишди.

Чемпионат ғолиб ва совриндорлари медаль, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Январь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

**Февраль**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | | | | |

**Март**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

**Апрель**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | | | | | | |

**Май**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

**Июнь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | |




**БАЙРАМ КУНЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш куни) деб белгиланган:

1 январь – Янги йил
8 март – Халқаро хотин-қизлар куни
21 март – Наврўз байрами
9 май – Хотира ва қадрлаш куни
1 сентябрь – Мустақиллик куни
1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни
8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун
— Рамазон ҳайитининг биринчи куни
— Қурбон ҳайитининг биринчи куни

**Июль**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

**Август**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | | |

**Сентябрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

**Октябрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

**Ноябрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | | |

**Декабрь**

| д | с | ч | п | ж | ш | я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |
| 31 | | | | | | |

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ГАП «ТЎЙ СОВҒАСИ»ДАМИ?

Синглисининг бахтини ўйлаб пора олган амалдор ҳақида эшитганмисиз? Эшитмагансиз. "Кимга чўпчак айтаяпсиз?" деб ўйлаяпсиз. Лекин бу эртак эмас, бор ҳақиқат.

Хўжалик ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Фазлиддин Элмуродов синглисининг 2011 йилнинг 10 октябрь куни ўтадиган тўйида чин ака қандай бўлишини қариндош-уруғлар, таниш-билишларга бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Бироқ, ака тушмагурнинг ҳамёнида ҳеч вақо йўқ эди. Шунда у ўйлаб ўтирмади. Иши судга тушган одамлар кўнглига қўл солиб кўриб, мақсадини амалга оширишга киришди...

Воқеанинг кейинги ривожи айни детектив кинолардагидек тус олди. Аммо, постановкачи-режиссёр Фазлиддин Элмуродовнинг касбий нўноқлиги судья Фазлиддин Элмуродовга панд берди. У 200 АҚШ доллари миқдорида пора олаётганида қўлга тушиб, жиноят ишлари бўйича вилоят судида жавоб беришига тўғри келди. Ўзи судда икки кўзини жовдиратиб:

– Синглимнинг тўйига ёрдам бермоқчи бўлиб, пора олишга жазм қилдим, – деди.

Воажаб! "Иши" ўнгидан келди ҳам дейлик. Нима, у ўша ҳаром пулларга сотиб олган совғани сингил тўйига кўтариб борармиди? Сингилнинг бахт кечасида ҳаром совғани унга раво кўришга акалик виждони қандай йўл қўйди? Бу қандай ака бўлди?!

Лекин "тадбирли" ака совға кўтариб бориш у ёқда турсин, синглисининг тўйида қатнаша олмади ҳам. Тўйдан бир ойча олдин қўлига кишан солинди.

Нима бўлганда ҳам Фазлиддин Элмуродов бугун қамоқда. Умумий тартибдаги колониялардан бирида жазони ўтаяпти. Бу воқеа детектив кинолардагидек бошланди ва якунланди. Лекин оралиқ воқеалар жуда жўн, оддий кечди. Шунчалик оддий бўлдики, ҳатто, қонунларни сув қилиб ичиб юборган олий юридик маълумотли ёш судьяни ҳам доғда қолдирди.

Фазлиддин вилоят хўжалик суди судьялигига тайинланганига икки йил ҳам бўлмаганди. 2011 йилнинг 29 июлида у Зангиота туманидаги "Xudoyberdi baraka" ва "Қиличев Насриддин" фермер хўжаликларидан банкка тўланмаган қарзларни ундиришга доир икки ишни кўриб чиқиш учун қабул қилиб олди. Бу хўжаликларнинг биринчиси "Турон" акциядорлик тижорат банкидан ажратилган 30 миллион сўм кредитни вақтида қайтара олмай, асосий қарз, вақтида тўланмаган кредит фоизи, пеня ҳам ҳисобланиб, жами 31 миллион 39 минг 97 сўм қарз бўлиб қолганди. Иккинчи хўжалик ҳам шу банкдан берилган 93 миллион 818 минг сўм кредитни вақтида қайтармагани учун қарзи 60 миллион 865 минг сўмдан ортиб кетганди. Шу ишларни кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиш судья Фазлиддин Элмуродовга юклатилди.

Шу ўринда икки жиҳатни таъкидлаш жоиз. Биринчидан, "Xudoyberdi baraka" фермер хўжалигининг раҳбари Насриддин Қиличев "Қиличев Насриддин" фермер хўжалигининг раҳбари Анвар Қиличевнинг отаси эди. Иккинчидан, "Xudoyberdi baraka" фермер хўжалиги 2009 йилнинг 17 декабридаёқ вилоят хўжалик судининг 11-0906/19735(19)-қарори билан банкрот деб топилган эди. "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун ва Хўжалик процессуал кодекс талабларига кўра, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, иш юритуви тугатилади.

Судья буни яхши биларди. Лекин шунга қарамай, ҳар икки ишни қабул қилиб олди. Аввал бошданоқ унинг мақсади битта эди. Суд мажлисига тайёргарлик мобайнида ота-бола фермерлардан "Турон" банки Зангиота филиалининг "Xudoyberdi baraka"дан ҳаммаси бўлиб 31,3 миллион сўмдан зиёдроқ қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантирмаслик ва "Қиличев Насриддин" фермер хўжалигидан ҳаммаси бўлиб 60,9 миллион сўмга яқин қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан 12 миллион 50 минг сўм миқдорида ҳисобланган пеня пулини камайтириб бериш эвазига пора талаб қила бошлади. Келинг, яхшиси бу жараён қандай кечганлиги хусусида собиқ судьянинг ўзи судда айтган сўзларини эшитақолайлик.

– Ишни кўриб чиқиш мобайнида Анвар Қиличев даъво аризасидан пеня қисмини олиб ташлашни сўради. Дастлаб мен бунинг иложи йўқлигини айтиб, суд залидан чиқиб кетдим. Кейин у яна илтимосини такрорлаб, менга мурожаат қилди. Ундан: "Нима хизмат қила оласиз?" деб сўрадим. Анвар Қиличев "Ўзингиз айтинг, – деди стол устида ётган қоғозга ишора қилиб. – Ёзиб кўрсатинг". Қоғозга мен "500 $" рақамини ёздим. Қиличев 400 доллар бериши мумкинлигини айтиб, суд залидан чиқиб кетди. Иш кўриб чиқиладиган куни суд мажлиси бошланишидан олдинроқ суд биноси рўпарасидаги қаҳвахона орқасида учрашишни айтди. Ўша ерда биринчи фермер хўжалигидан кредит қарзини ундириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантирмаслик ҳамда иккинчи фермер хўжалигидан пеняни камайтириб бериш эвазига келишилган 400 долларнинг ярмини олдим...

Шундан кейинги ишлар тезлаштирилган кино лавҳаларига ўхшайди. Қисқаси, 12 сентябрь куни ўша қаҳвахона ортида поранинг қолган қисми – 200 долларни Анвар Қиличевдан олиб, чўнтагига солган пайтда вилоят прокуратураси ва МХХ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тўй-тўйлигича, сингилга қилинадиган тўй совғаси орзулигича қолди. Тергов-суд жараёни бошланиб кетди. Вилоят хўжалик судининг судьяси лавозимида ишлаб туриб, суд ҳокимиятининг вакили сифатида ўзига берилган ваколатларни суиистеъмол қилган Фазлиддин Элмуродов Ўзбекистон Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисмининг "б" банди бўйича айбли деб топилиб, ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бу жазо муддати ўталгач, яна уч йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Шу ўринда бир неча саволлар туғилади. Фазлиддин Элмуродов қонунларни сув қилиб ичиб юборган олий маълумотли мутахассис эдику? Пора олиш ўта оғир жиноят эканлигини биларди-ку? У нега бундай қадам қўйди?

Бу саволларга жавобни суд ҳукмидан топгандек бўлдик. Унинг айби асосланган қисмида жиноятчининг хатти-ҳаракатига баҳо берилаётиб, Элмуродовга "Ғараз ва паст ниятларда ўта оғир жиноятга қўл урган" деган таъриф берилган, уни "мансаби ва хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда содир этган"лиги таъкидланган. Демак, гап маънавиятда, ёш судьянинг маънавий қиёфасида. Асло сингилнинг тўйида эмас. Бу энди суд жараёнида жиноятчи ўз қилмишини ношудона хаспўшлаши, холос. Бутун иш жараёнидаги қонунбузилишларни синчиклаб таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, у бу ишларни юритувга қабул қилиб олганидаёқ "бир нимали бўлиб қолишни" ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу маънавий тубан хатти-ҳаракатнинг оқибатини эса, ўзингиз кўриб турибсиз.

Демак, ҳар қандай жиноят қанчалик пинҳона, панапасқам жойларда амалга оширилмасин, куни келиб, очилмай қолмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жиноятга жазо муқаррар. Бу ҳақиқатни юқори мансабларни эгаллаб турган ҳеч бир амалдор унутмаслиги керак. Давлатимиз раҳбари қарори билан тайинланадиган судьялар – айниқса. Шундагина суиистеъмолликлар ва ғайриқонуний ишларнинг пайи қирқилади. Қонун устуворлиги тўла таъминланади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

БЕКАЖОН

# РУЛЕТЛИ ПИШИРИҚ



**Масалliқлар:** 200 г маргарин, 3 та тухум, 0,5 стакан сут, 4 стакан ун, 100 г хамиртуруш.

**Начинкаси учун:** 250 г мак уруғи, 100 г шакар, 80 г асал, 1 та тухум.

**Тайёрланиши:** иссиқ сутга хамиртуруш солиб, тухумлар чақилади. Сўнгра унга эритилган маргарин солиб, бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашмага ун солиб, юмшоқ хамир қорилади ва икки соат тиндирилади. Хамир тингунча, рулетнинг начинкасини тайёрлаб оламиз. Аввал мак уруғини сувда яхшилаб чайиб, 15-20 дақиқа ивитамиз. Бу вақт мобайнида уруғ шишиб, пучлари сув юзасига қалқиб чиқади. Ёки уни 10 дақиқа ўртача баландликдаги оловда қайнатиб олиш ҳам мақсадга мувофиқ. Кейин мак уруғини майда элакдан ўтказиб, бир неча дақиқа паст оловда қуритиб оламиз. Алоҳида идишда асал ва шакарни аралаштириб, унга қуритилган мак уруғини қўшамиз. Аралашмани гўшт қиймалагичдан ўтказиб, унга тухум қўшилади. Етилган хамир 3 бўлакка бўлиниб, ўртача қалинликда ёйилади. Ёйилган хамирга ёғ суртилиб, начинка солинади ва рулет шаклида ўралади. Рулетларни газга қўйишдан олдин устига тухум суртилади. Ўртача оловда 30-35 дақиқа мобайнида пиширилади.

# ОЛМАЛИ ШИРИНЛИК

**Масаллиқлар:** 1 дона олма, 1 чой қошиқ асал, таъбга кўра долчин.

**Тайёрланиши:** олма ўзагини олиб ташлаб, ўзи бутун ҳолича қолдирилади.

Сўнг ўзак ўрни асал ва долчин билан тўлдирилади. Таъбга қараб, газ печида бироз пишириб олинади. Устига қанд упаси сепиб, истеъмол қилинади.

BOLALIK BOG`I

# QORBO`RON

Gupillab qor yog`di. Hammayoq oppoq ko`rpaga burkandi. Havo juda sovib ketdi. Tarnov va bo`g`otlarda sumalaklar saf tortdi.

Nodir barvaqt uyg`onib, hovliga chiqib, ko`rsaki, hammayoq oppoq qor. Daraxt shoxlari egilib turibdi. Nodir xursand bo`lib ketdi. Nonushta qilib, maktabiga yo`l oldi. Quvonchi shunchalik kuchli ediki, shoshilganidan qalpoq va qo`lqoplarini kiyishni unutdi. Yo`l-yo`lakay maktabga borayotgan qizlarga qor otib tegajog`lik qildi. Qo`llari muzlab, quloqlari qizarib ketdi.

Sinfga kirgach, oynadan tashqariga qarab o`tirdi. Ustozi bir necha marta, "Tashqariga qarama, darsdan chalg`iysan" deb ogohlantirdi. Ammo qorbo`ron o`ynash Nodirning xayolidan ketmadi. "Tezroq dars tugasayu tashqariga chiqib, mazza qilib qorbo`ron o`ynasak!" – deb o`ylardi u.

Darslar tugagach, o`rtoqlari bilan maktabning orqa tarafiga o`tib, qorbo`ron o`ynay boshlashdi. Ular o`yinga shunchalik berilib ketishdiki, vaqt o`tganini sezmay ham qolishdi. Obdon charchashganidan, oyoqlari tolib, oppoq qor ustiga yotib olishdi. Endi kulishga ham madorlari qolmagan edi. Biroz cho`zilib yotishgach, bolalar o`rinlaridan turib, ust-boshlarini qoqishdi. Nodir ham og`ir qo`zg`aldi.

– Anvar, uyga ketasanmi! – so`radi u sinfdoshidan. – Qornim judayam ochib ketdi.

– Oyim: "Darsing tugashi bilanoq uyga kel", degan edilar, – Anvar shosha-pisha qor ustida yotgan papkasini oldi.

– Unda ketdik.

Nodir hovliga kirishi bilan onasi:

– Qayerlarda yuribsan? – deb so`radi. – Darslaring endi tugadimi?

– O`rtoqlarim bilan qorbo`ron o`ynadim, – javob berdi Nodir. – Sirpanchiq uchdik. Katta qorbobo yasadik.

Uning ikki yuzi hamon qipqizil, lablari sovuqdan ko`karib ketgandi.

– Qalpog`ingni kiyib ketmapsan. Qara, quloqlaring sovuqdan gezarib ketipti.

– Kechiring, oyijon, shoshilganimdan esimdan chiqipti.

– Kunlar sovib ketdi, – dedi onasi. – Endi ko`chaga issiq kiyinib chiqish kerak. Qalpog`ingni kiyishni hech qachon unutma, o`g`lim.

– Xo`p bo`ladi, oyijon.

**Zulfiya SATTOROVA,**
**Zangiota tumanidagi 15-maktabning 8-sinf o`quvchisi.**

РАССОМ ХАНДАСИ




Мураджон УНГАРОВ чизган расм.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
**Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи
**Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-142. Адади 15073. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10. 12345